



FOREIGN EXPERIENCE IN DEVELOPING FORENSIC METHODS FOR COMBATING EXTREMISM-RELATED CRIMES AMONG YOUTH

Abdumalik Karimov
Independent Researcher
University of Public Safety
a.karimov@gmail.com
Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: terrorism, extremism, youth, forensic science, cyberspace, security, prevention.

Received: 20.05.26

Accepted: 21.05.26

Published: 22.05.26

Abstract: This article analyzes the foreign experience in developing forensic methods for combating crimes related to extremism among youth. The study examines the legal nature of extremism, its forms, and issues of criminal liability based on international and national legislation. Particular attention is paid to modern forensic approaches used in the United States, Russia, the United Kingdom, Germany, France, Sweden, and other countries, including digital monitoring, countering extremism in cyberspace, voice identification technologies, psychological interrogation tactics, and preventive measures. The author also proposes recommendations for improving national legislation and implementing effective mechanisms to counter extremist activities.

ЁШЛАР ОРАСИДА ЭКСТРЕМИЗМ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ КРИМИНАЛИСТИК УСУЛЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҲОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ

Абдумалик Каримов
Мустақил тадқиқотчи
Жамоат хавфсизлиги университети
Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: терроризм, экстремизм, ёшлар, криминалистика, кибермакон, хавфсизлик, профилактика.

Аннотация: Мазкур мақолада ёшлар орасида экстремизм билан боғлиқ жиноятларга қарши курашишнинг криминалистик усулларини ривожлантириш бўйича хорижий давлатлар тажрибаси таҳлил қилинган. Тадқиқотда экстремизм тушунчасининг ҳуқуқий мазмуни, унинг турлари ҳамда жинойий жавобгарлик масалалари халқаро ва миллий қонунчилик мисолида ўрганилган. Шунингдек, АҚШ, Россия, Буюк Британия, Германия, Франция, Швеция ва бошқа давлатларда экстремизмга қарши курашишда қўлланилаётган замонавий криминалистик усуллар, рақамли технологиялар, кибермакондаги мониторинг, овозли идентификация, психологик сўроқ тактикалари ва профилактик чоралар таҳлил қилинган. Муаллиф томонидан миллий қонунчиликни такомиллаштириш ва экстремистик фаолиятга қарши курашишнинг самарали механизмларини жорий этиш бўйича таклифлар илгари сурилган.

ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ РАЗВИТИЯ КРИМИНАЛИСТИЧЕСКИХ МЕТОДОВ БОРЬБЫ С ПРЕСТУПЛЕНИЯМИ, СВЯЗАННЫМИ С ЭКСТРЕМИЗМОМ СРЕДИ МОЛОДЁЖИ

Абдумалик Каримов

Независимый исследователь

Университет общественной безопасности

a.karimov@gmail.com

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: терроризм, экстремизм, молодежь, криминалистика, киберпространство, безопасность, профилактика.

Аннотация: В данной статье проанализирован зарубежный опыт развития криминалистических методов борьбы с преступлениями, связанными с экстремизмом среди молодежи. Исследуются правовая сущность экстремизма, его виды и вопросы уголовной ответственности на основе международного и национального законодательства. Особое внимание уделено современным

криминалистическим методам, применяемым в США, России, Великобритании, Германии, Франции, Швеции и других странах, включая цифровой мониторинг, противодействие экстремизму в киберпространстве, голосовую идентификацию, психологические тактики допроса и профилактические меры. В статье также предложены рекомендации по совершенствованию национального законодательства и внедрению эффективных механизмов противодействия экстремистской деятельности.

Кириш. Мамлакатимизда тинчлик ва фаровонликни таъминлаш, иқтисодий барқарорлик ва аҳоли турмуш тарзини хавфсиз муҳитини яратиш давлатнинг ҳуқуқий ва ижтимоий соҳадаги долзарб ҳамда устувор йўналишларидан саналади.

Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев “Аҳолининг турмуш тарзи яхшиланиши билан ички туризмни кафолатланган хавфсизлик тизимини таъминлаш, бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида кузатилаётган низо ва беқарор вазиятлар соҳа ривожига салбий таъсир кўрсатади” дея таъкидлайди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда тинчлик ва хавфсиз шароитни таъминланиши бевосита аҳолининг ижтимоий-иқтисодий барқарорлигига ҳам ижобий таъсир ўтказади. Шу боис, экстремизмга оид аксарият тадқиқот ишларида хориж тажрибаси таҳлил қилиниб, хавфсиз муҳит юқорида даражада таъминланган давлатларнинг бу борадаги тажрибасини тадқиқ этилган.

Экстремизм билан боғлиқ жиноятларни тарқалганлик нуқтаи назаридан нафақат давлатлар миқёсида балки халқаро миқёсида унга қарши курашиш, давлатларнинг бу борадаги жинойий-ҳуқуқий сиёсатида аниқ меъёрларни белгилаш бўйича халқаро ҳужжатларда ҳам алоҳида бандлар акс этган[1]. Бундай халқаро даражада конвенсияларнинг қабул қилиниши “экстремизм”, “радикализм” ва “терроризм” тушунчаларини ижтимоий хавфлилигини намоён этади, сабаби экстремистик ғоялар жамиятнинг тартибсизликларига сабаб бўлиши мумкин.

Хорижий мамлакатларда жамоат тартибини сақлаш бир қанча ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминланади. Мисол учун, Францияда Жиноят кодексига тўлдириш сифатида алоҳида қонун ҳужжати билан назарда тутилган бўлса[2], Англияда суд одатлари (статут)

экстремизмнинг асосий жиноий ҳуқуқий асоси ҳисобланади[3]. АҚШда экстремистик фаолият жиноятининг айна ҳаракатлари бўйича Штатларнинг қонуности ҳужжатлари асосида тақиқланган[4]. Германияда жамоат тартибини издан чиқарувчи фаолият сифатида маъмурий жавобгарлик назарда тутилган бўлса[5], Голландия[6], Тайланд[7], Испания[8] ва Швеция[9] каби давлатларда ҳуқуқ оилаларига мос равишда нафақат жиноят қонунчилиги ёки кодекслари балки, бу борада ҳуқуқ одатларига асосланган бошқа қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган.

Шунингдек, экстремистик билан боғлиқ жиноий жавобгарлик назарда тутилган миллий жиноят қонунчилигимизга ўхшаш нормалар МДҲга аъзо давлатларнинг қонунчилигида ҳам қайд этилган. Жумладан, Туркменистон[10], Арманистон[11], Украина[12], ва Молдова[13] каби давлатларда экстремизмнинг аниқ маъмурий ва жиноий жавобгарлик турлари кодексларда алоҳида белгилаб қўйилган. Бироқ фарқли жиҳати сифатида миллий қонунчилигимизда белгилангани каби фақатгина диний экстремизм жиноий таъқибга олинмаган, яъни бунда экстремизмнинг ҳар қандай тури (етник, сиёсий, диний) учун жавобгарлик бир хил аҳамият касб этади.

Аксарият хорижий мамлакатларда таҳлил этилаётган жиноят турларидан “диний экстремизм” дея белгиланмаган бўлиб, бунда “жамоат тартибини бузувчи хатти-ҳаракатлар”, “экстремистик фаолият”, “экстремизм”, “радикализм” ва шу каби бошқа номлар билан жиноят ёки ҳуқуқбузарликлар қайд этилган[14].

Тадқиқот ишининг биринчи бобида диний экстремизм бу – экстремистик фаолиятнинг бир туридан бири эканлигини таҳлил қилган едик. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида экстремизм билан боғлиқ жиноятларнинг амалдаги ҳуқуқий тартибга солинишини хорижий тажриба асосида такомиллаштириш имкониятларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади, ваҳоланки сиёсий ёки етник экстремизм хавфи ҳам диний экстремизм хавфидан кам емас. Бизнингча Жиноят кодексида етник ёки сиёсий экстремизм сифатида алоҳида-алоҳида қайдлар амалиётчиларни чалғитиши мумкинлигини инобатга олган ҳолда, умумий нуқтаи назардан экстремистик фаолият сифатида ёки экстремистик ташкилотлар сифатида қайдларни қайта шакллантириш лозим.

Россия Федерациясининг Жиноят кодексининг 280, 282.1-282.4-моддаларида ҳам ушбу фаолият айнан диний экстремистик фаолият сифатида кўрсатилмаган яъни ҳар бир моддада экстремистик фаолият сифатида барча турдаги фаолиятни ўзида қамраб олади[14].

Бундан ташқари МДХга аъзо кўплаб давлатлар хусусан, Қозоғистон Республикаси[15], Қирғизистон Республикаси[16], Беларус[17], Арманистон[18] ёки Озарбайжон Республикаларида[19] ҳам экстремистик фаолиятнинг айна қайсидир тури учун жавобгарлик алоҳида кўрсатилмаган.

Шунингдек экстремизмни молиялаштириш билан боғлиқ хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаси таҳлил қилинганида Россия Федерацияси[20], Беларус[21], Қозоғистон[22], Франция[23] ва бошқа давлатларда мазкур тоифадаги қилмишлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Шу билан бирга халқаро қонун ҳужжатлари ва хорижий давлатларнинг қонун ҳужжатларида экстремизмнинг ҳуқуқий таърифи турлича келтирилганлигини кузатиш мумкин.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар томонидан қабул қилинган “Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги Шанхай конвенциясининг 1-моддасида “экстремизм” – “ҳокимиятни зўрлик билан егаллаш ёки ушлаб туриш, давлатнинг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартириш, шунингдек жамоат хавфсизлигига зўрлик билан тажовуз қилиш, шу жумладан ноқонуний қуролли тузилмалар мақсадида юқорида кўрсатилган ташкилот ёки уларда иштирок этиш ҳамда Томонлар миллий қонунчилигига мувофиқ жиноий тартибда тақиб қилинадиган бирор бир қилмиш” дея таърифланган[24].

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги: экстремизм - ижтимоий хулқ-атворнинг ҳуқуқий ва (ёки) бошқа умумий қабул қилинган нормалари ва қоидаларини рад этиш натижасида амалга ошириладиган конституциявий тузум асослари ва давлат хавфсизлигига тажовуз қилиш, шунингдек инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузиш[25].

Америка Қўшма Штатлари қонунчилигига кўра, АҚШ Федерал тергов бюроси томонидан “зўравонлик экстремизм – сиёсий, мафкуравий, диний, ижтимоий ёки иқтисодий мақсадларга еришиш учун зўравонлик ҳаракатини рағбатлантириш, маъқуллаш, оқлаш ёки қўллаб-қувватлаш” дея таъриф берилган. Шунингдек, УСАИД томонидан “зўравон экстремистик фаолият – ижтимоий, иқтисодий ёки сиёсий мақсадларга еришишга кўмаклашиш учун ғоявий ёки ҳаракатли зўравонликни тарғиб қилиш, иштирок этиш, тайёрлаш ёки қўллаб-қувватлашнинг бошқа шакли”[26];

Бирлашган Қироллик (Буюк Британия ва Шимолий Ирландия): экстремизм – асосий кадриятларга (баёнот ва ҳаракатларга), шу жумладан демократия, қонун устуворлиги, шахс

еркинлиги ҳамда турли дин ва еътиқодларга нисбатан ўзаро ҳурмат ва бағрикенглик кадриятларига қарши туриш, шунингдек, Қуролли Кучларни ўлдиришга чақириқ[27];

Канада қонунчилигига кўра, зўравон экстремизм – асосан ўта сиёсий, диний ёки мафкуравий қарашларга асосланган ҳолда содир этилган жиноятлардир. Радикал қарашлар бу хавф эмас, балки улар фақат зўравонлик ҳаракатларга ўтиши билан миллий хавфсизликка таҳдидга айланади[28];

Австралия қонунчилигига кўра, зўравон экстремизм - мафкуравий, диний ёки сиёсий мақсадларга еришиш учун зўравонликни қўллаб-қувватловчи ёки ишлатадиган одамларнинг еътиқодлари ва ҳаракатларидир. Бунга, терроризм ва сиёсий сабабларга кўра ва жамоавий зўравонликнинг бошқа шакллари киради. Зўравон экстремизмнинг барча шакллари тинч йўл билан эмас, балки кўрқув ва кўрқитиш орқали ўзгаришларга интилади. Агар бирор шахс ёки гуруҳ кўрқув, террор ва зўравонликни мафкуравий, сиёсий ёки ижтимоий ўзгаришларга еришиш учун асосли деб ҳисобласа ва шунга мувофиқ ҳаракат қилса, бу зўравон экстремизмдир[29].

Норвегия қонунчилигига кўра, зўравон экстремизм – бу сиёсий, мафкуравий ёки диний мақсадларга еришиш учун зўравонликдан фодаланишни истовчи шахслар ёки гуруҳларнинг фаолияти[30], дея таърифланган.

Швесия миллий қонунчилигида, зўравон экстремист – нафақат зўравонлик ишлатишга имкон берадиган, балки ҳар қандай мақсадни илгари суриш учун мафкуравий зўравонликни қўллаб-қувватлайдиган ёки фойдаланадиган хатти-ҳаракатларни бир неча бор намоёниш етган шахс, дея таърифланган[31].

Германия қонунчилигида, “экстремизм” тушунчасининг таърифи мавжуд эмас, экстремистик қарашлар учун фуқаролар жавобгарликка тортилмайди. Фақат зўравонликни қўллаш, неофашистик тарғиботни ўз ичига олган материалларни тарқатиш ва моддий зарар етказиш каби аниқ ҳаракатлар жиноят ҳисобланади. Шунингдек, ушбу ҳаракатлар экстремистик ҳаракатлар ҳисобланади[32].

Швесияда Жиноят кодексига мувофиқ, «оммавий диний хизмат ёки бошқа оммавий диний байрам, тўй, дафн маросими ёки шунга ўхшаш маросим, суд мажлиси ёки бошқа давлат ёки маҳаллий вазифаларни муҳокама қилиш, ўқитиш ёки маъруза тинглаш учун оммавий йиғилишга ҳалақит бериш» учун жиноий жавобгарлик белгиланган[33].

Юқоридагилардан маълум бўладики, хорижда қилмишни экстремистик фаолият сифатида баҳолаш учун ушбу қилмиш оммага зарарли ва зўравонлик хусусиятини ўзида акс етиши кифоя ҳисобланади.

Бунда ташқари ижтимоий тармоқларда содир этилаётган турли хилдаги экстремистик мазмундаги материаллар нафақат аниқ бир шахснинг балки маълум бир жамиятнинг қатлами ёки ушбу тармоқдаги оммага нисбатан ҳам содир этилиш ҳолатлари кузатилади. Бу борада тадқиқот ишимизнинг

1-бобида кибермаконда содир этилиши мумкин бўлган экстремизм жиноятларини таҳлил етган едик.

2007-йилда АҚШда дунёга машҳур бўлган МйСпасе, Фасебоок, Бебо, ЁуТубе сингари ижтимоий тармоқларда зўравон экстремизмга қарши кураш тадбирларига доирасида шундай пропагандани амалга оширувчи каналларни блоклаш кампанияларни ташкил этилган[34].

Россия Федерациясининг Жиноят кодексининг 280, 282.1-282.4-моддаларида экстремизм учун жавобгарлик назарда тутилган бўлиб, бунда унинг барча турларини камраб олади[35].

Россия Федерациясида экстремизм ва терроризмга қарши курашишнинг ўзгачароқ, бироз кескинроқ усуллари пакети ёки давлат дастури ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган бўлиб, уни “Яровая пакети” деб номлашган[36]. Дастурнинг бундай номланишига унинг ғоявий асосчиси мамлакат парламенти Госдума депутати Ирина Яровая номи берилганлиги бўлиб ҳисобланади.

Яровая пакети (шунингдек, Яровая қонуни) тузатишлар пакетининг норасмий номи, унинг бир қисми барча рус фойдаланувчиларининг ёзишмаларини, телефон қўнғироқларини ва чикувчи трафигини сақлашни, шунингдек, махсус хизматларнинг талабига биноан ушбу маълумотларни тақдим етишни талаб қилади[37].

Мазкур пакетга асосан Россия Федерациясининг бир қанча қонунларига, шу жумладан Жиноят кодексига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган[38]. Хусусан, Жиноят кодексига янги жиноят турлари “террорчилик, қуролли исён ва бошқа террорчилик жиноятларини тайёрлаш тўғрисида хабар бермаслик”, “интернетда терроризмни оқлаш” - ижтимоий тармоқлардаги ёзувлар оммавий ахборот воситаларидаги нашрларга тенглаштирилди ва халқаро терроризм актини содир етиш ёки таҳдид қилиш — Россия фуқаролари хорижий терактда жароҳат олган ҳолларда жиноят сифатида белгилаб қўйилди.

Экстремизмга қарши курашдаги мазкур давлат чораси шунингдек уяли алоқа компаниялари ва интернет хизмат кўрсатувчи компанияларга ҳам бир қанча мажбуриятларни қўйди.

Хусусан, 2018-йил июл ойидан бошлаб уяли алоқа операторлари ва Интернет-компаниялар барча фойдаланувчи Интернет-трафигини шу жумладан мессенжерлар, ижтимоий тармоқлар ва электрон почта хабарлари, кўнғироқларнинг аудио ёзувларини б ойгача сақлашлари шарт бўлади. Шунингдек, конун билан ушбу компанияларга 3 йил давомида метадата фойдаланувчи файллар (кимга ва қачон кўнғироқ қилгани ёки юборганлиги тўғрисидаги маълумотлар)ни сақлашни талаб қилади. Мазкур маълумотларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари сўрови бўйича олишлари мумкин ҳисобланади. Ушбу давлат дастури жуда кенг қамровли назорат тадбирларини ўз ичига олиб, бунда ёшлар орасида экстремистик фаолиятни олдини олишда бир қанча чекловларни киритилди. Жумладан, диний мазмундаги даъватлар, чақириқлар ва бошқа ҳар қандай материалларни фақатгина давлат рўйхатидан ўтган диний ташкилотлар ва шахслар томонидан амалга оширилишига руҳсат берилди, қолган барча шахслар ёки гуруҳларга бундай маълумотларни ишлаб чиқиш ёки тарқатиш тақиқланди.

Бундан ташқари мамлакат почтаси ва барча хусусий етказиб бериш хизмати компанияларига тақиқланган буюмлар (қурол, пул, гиёҳвандлик воситалари ва бошқ)ни текшириш мажбурияти юкланди[39].

Россия Федерацияси Жамоатчилик палатаси томонидан ИД (Ислом давлати) террорчилик ташкилотининг ёлловчиларига қарши кураш мақсадида, 2015-йил 1-августда “Ишонч телефони” (“Горячая линия”) ташкил этилган. Фуқаролар ўзларига, фарзандларига, қариндошлари ва танишларига нисбатан ёки улар яшайдиган ҳудудда “Ислом давлати” емиссарлари томонидан амалга ошириляётган ёллаш ҳаракатлари тўғрисида маълумот бериши, шунингдек, ушбу мурожаатни электрон тарзда (www.oprf.ru) юбориши мумкин. Масалан, “Ишонч телефони”га Павел Караулов томонидан кўнғироқ қилиниб, унинг 19 ёшли қизи Варвара Караулова “Ислом давлати” террорчилик ташкилотига кўшилмоқчилиги тўғрисидаги маълумот натижасида у Туркия ва Сурия чегарасида қўлга олиниб, Россияга қайтарилган. РФ Жамоатчилик палатасининг “Ишонч телефони”га қуйидаги ҳолатларда кўнғироқ қилиш тавсия қилинади: 1) шахсни деструктив диний ташкилотлар (секталар) сафига ёллаш ҳаракатлари тўғрисида; 2) экстремистик ташкилотларга ёллаш ҳаракатлари тўғрисида; 3) экстремизм ва терроризм билан боғлиқ жиноятлар тўғрисида; 4) миллий ёки диний белгиларига кўра дискриминация ҳолатлари тўғрисида; 5) инсон ҳуқуқ ва еркинликларининг бузилиши тўғрисида. Бундан ташқари, экспертларнинг таъкидлашича, ДЕТ таъсирига тушган шахс қўлга олинганда, уни қамоққа жўнатишдан кўра, малакали руҳшунос орқали уни ҳаётга қайтариш жамият учун

фойдалироқдир. Хусусан, ҳозирги кунда РФда етакчи руҳшунос-тахлилчилар томонидан интернет сайтлари орқали ДЕТ таъсирини камайтириш мақсадида онлайн тарзда тест саволлари ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур тестдаги 20-30 тадан иборат саволларга жавоб бериш орқали инсоннинг тарғибот таъсирига тушиб қолиш еҳтимолининг даражасини аниқлаб, руҳий жиҳатдан ёрдамга муҳтож шахсларга онлайн тарзда (қандай қилиб ДЕТ таъсирига тушиб қолмаслик, интернетда алданиб қолмаслик ҳақида) маслаҳатлар берилмоқда[40].

Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг аксариятида экстремизмни молиялаштириш учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган бўлса[41], Янги Зеландия давлати биринчилардан бўлиб, экстремизмни молиялаштириш учун жиноий жавобгарлик белгилаган[42].

Бундан ташқари Жанубий Корея ва Франция давлатларида ҳам экстремизмни молиялаштириш учун жавобгарлик чоралари кучайтирилмоқда[43].

Жамиятда кибермакон каби тушунчалар пайдо бўлиши билан ундаги омманинг ҳам маънавий ҳам жисмоний хавфсизлигини таъминлаш долзарб саналади. Шу боис, ривожланган давлатлар каби миллий қонунчилигимизда ҳам виртуал майдонда содир этилувчи жиноятлари учун жавобгарлик белгиланиши ижтимоий зарурат саналади. Зеро ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ва қонунчилик билан тўлдирилиш лозим бўлган бўшлиқларни тўлдириб бориш лозим.

Бир қанча давлатларда (АҚШ, Европа Иттифоқига аъзо давлатлар, БАА ва бошқаларда) асосан ёшларни экстремистик ташкилотлар ёки уларнинг фаолиятига жалб қилганлик ҳолатлари кузатилганлиги сабабли ўқувчиларни ваҳшийлик ва шавқацизлигини олдини олиш бўйича услубий кўрсатмалар бериб ўтилади. Шу билан бирга ишни асосан полицияга ота-оналар томонидан ёлланган хусусий детективлар томонидан аниқланган фактлар ва ҳужжатлар ёрдамида қўзғатилиши мумкинлиги еътиборга сазовор жиҳат ҳисобланади[43]. Бунда ишни тергов қилишда ота-оналар иштироқи ва асосан вояга етмаганлар ёки ўсмирлар психологиясига таъсирни камайтириш учун биринчи навбатда – ушбу жиноятдан жабрланган шахсни ҳимояга олиш чораларини кўришни, кейинги навбатда – бутун тергов жараёнини келгусида шу каби ҳолатлар такрорланмаслиги учун оммага ошкор қилишни белгилашган[44]. Ушбу тажриба айрим жиҳатларига кўра мамлакатимизга имплементация қилишни рад этади. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 146-моддасига мувофиқ, юртимизда хусусий детективлик ва шунга ўхшаш изқуварлик турлари тақиқланган ва ушбу фаолият фақатгина

давлат органлари томонидан амалга оширилиши қайд этилган. Чунончи, “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноятчиликка қарши кураш бўйича тезкор-қидирув, тергов ва бошқа махсус вазифаларни мустақил равишда бажарувчи хусусий ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва уларнинг бўлинмаларини тузиш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатиши тақиқланади”[45]. Бироқ тергов жараёни ва жиноятнинг салбий оқибатлари борасида ахборотларни оммага маълум қилиб бориш ушбу турдаги жиноятларни профилактикасида самарали ҳисобланади.

Буюк Британияда ушбу турдаги жиноятларни тергов қилиш билан боғлиқ илғор технологиялар ёрдамидан фаол фойдаланилади. Сабаби ушбу турдаги жиноятлар субъекти сифатида ёшлар (ўсмирлар) жалб этилиш ҳоллари кўпга учрагани боис, тергов қилишда энг муҳим бўлган сўроқ қилиш тергов ҳаракати ёлгон детектори ёрдамида амалга оширилади. Ушбу сўроқ қилиш услуги жуда самарали бўлиб, миллий қонунчилигимизда экстремистик мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадини кўзлаб сақлаганлик ҳолатларини фойш етишда қўл келади, шунингдек жиноят содир етган ўсмирнинг бу жарёндаги психофизиологик жиҳатлари иш бўйича ҳаққоний кўрсатмалар олиншида муҳим восита сифатида хизмат қилади. Айниқса полиция томонидан судга қадар босқичда ва суд босқичида сўроқнинг ушбу тури кенг қамровли фойдаланилади. Бироқ бу жараёнларда детекторнинг натижаларида олинган ва унинг бирор кўрсаткичи судда қўшимча далилларсиз инобатга олинмайди[46].

АҚШ ва Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг аксариятида овозли имзо каби экспертиза тадқиқот усулларидан фойдаланиши ҳам еътиборга сазовор.

Хусусан, бунда мамлакатда истиқомат қилаётган барча шахсларни овозлари ва уларнинг товушларидаги ўзига ҳосликлар базаси шакллантириб борилмоқда. Аксарият ҳолларда экстремистик мазмундаги тарғибот тадбирларини очиқ-ошкора равишда ижтимоий тармоқлар орқали амалга оширилиши ҳолатлари, шахсни таниб олиш имконини бермайдиган турли хилдаги ниқобланган ҳолда, шунингдек қўча юришлари, тинч намойишлар номи остида жиноятчи шахслар юзларида ниқоб кийган ҳолда оммавий ёки ирқий камситиш тарзида амалга оширилишини инобатга олган ҳолда бунда уларнинг ёзиб олинган видеолари ёки кузатув камераларига овозли ёзувларидан унумли фойдаланиш кўзда тутилади. Шу билан бирга фотография, микрофотография ва янги авлод баллистик экспертизалари ушбу турдаги жиноятларни фойш етишда қўлланиб келинмоқда[47].

Шунингдек, АҚШда жиноятларни тергов қилишда сўроқ қилишнинг 5 тактикаси деб номланган ўзига ҳос тури тавсия этилиши билан бошқа хорижий мамлакатларнинг тергов

услугларидан фарқ қилади. Луи К. Сенезе бу борада тадқиқотлар ўтказиб, унда жиноят содир этган шахс билан психологик контакт йўлга қўйиш мақсадида сўроқ қилишнинг 5 усули кетма-кетликда амалга оширилишини таъкидлайди. Жумладан, дастлаб шахс билан бевосита ишончли контактни амалга ошириш учун ишга алоқаси бўлмаган ҳамда унга нисбатан хавфсиз ва ишончли муҳитни яратувчи саволлар берилади. Мисол учун “Хато қилишда ҳеч ким ҳоли емас, фикримга қўшиласизми?”, “Сизга савол берсам майлими?” ва ҳоказо. Шу тариқа овоз оҳангини секинлаштириш (2-усул), гумон қилинувчи билан масофани қисқартириш орқали унга таъсир ўтказиш (3-усул), сўроқ масаласини ихчамлаштириш (4-усул) ва шахсни исми билан мурожаат қилиш ва кўз билан алоқани йўлга қўйиш (5-усул) билан сўроқ қилишни самарадор бўлишини таъкидлайдилар[48].

Буюк Британия тажрибасига оид яна бир қизиқарли бошқа давлатларни криминалистикасига ўхшамаган жиҳати мавжудки, унда рақамли воситаларни бевосита экспертлар иштирокида амалга оширилади ва тайинланган экспертиза саволларини бевосита ушбу экспертларнинг ўзлари қўядилар. Шу билан бирга ушбу саволларни қўйилиши ва кетма-кетлигини бевосита ишга масъул бўлган терговчи ёки прокурор билан келишади[49].

Ҳақиқатдан ҳам рақамли воситалардан тадқиқотга яроқли далилларни олиш жараёнида эксперт ушбу далил бўйича гумон қилинувчи ёки жиноятга доир қандай маълумотларга ега бўлиши мумкин эканлиги борасида шу заҳоти тасаввурга ега бўлади ва ишни кўриб чиқаётган терговчи ва суриштирувчига нисбатан зарурий саволлар нималардан иборат бўлиши мумкинлигини англайди.

Ўрганилган барча давлатларнинг криминалистик тажрибасида умумийлик, бироқ мамлакатимиз тергов-суриштирув тизимида жиноят ишини тергов қилишда камёб учрайдиган яна бир ҳолат бу жиноят иши бўйича жиноий алоқа ва ишга доир “далиллар схемаси” бўлиб ҳисобланади. Айниқса, ёшлар томонидан гуруҳ таркибида содир этилган диний экстремистик фаолият билан боғлиқ жиноятларда дастлаб берилган кўрсатмалар кейинчалик ўзгартирилиши суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида ўзгариши оқибатида бир қанча фактлар кўздан қочади ва фақат процесс иштирокчиларининг кўрсатмалари ҳал етувчи аҳамиятга ега далил сифатида сақланиб қолади. Юқорида тадқиқот ишимизнинг 1-боб 2-параграфида айнан тарқатиш мақсадида сақлаш деган жумлалар жавобгарликнинг асосий шарт сифатида қабул қилинганлигини келтириб ўтган едик. Шу боис амалиётда судларда диний экстремистик ғоялар билан йўғрилган материалларни тарқатиш мақсадида сақлашга оид ишлар бўйича жиноят ишларини тугатиш ҳоллари тез-тез учраб турмоқда.

Мисол учун 272651/2024-114я -сонли жиноят иши ҳужжатларига кўра, Е.Г. (аёл киши) 2020-2024 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2016-йил 26-сентябрдаги қарори билан Ўзбекистон ҳудудида фаолияти тақиқланган “Ироқ ва Шом Ислом давлати – ИШИД” террористик ташкилоти фаол аъзоси медиа даъватчиси “Ахмад Мухаммад” ва яна бир қанча номли профилларнинг ёд ақидавий ғоялар билан йўғрилган постларини ўқиб, улар томонидан тармоққа жойлаштирилган диний мутаассибликни тарғиб қилувчи видео материалларни томоша қилиб, уларни кўллаб-қувватлаб, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2016-йил 26-сентябрдаги қарори билан Ўзбекистон ҳудудида фаолияти тақиқланган “Ироқ ва Шом Ислом давлати – ИШИД (Ислом давлати - ИД)” террористик ташкилоти ғоявий таъсири доирасига тушиб, ИШИД террористик ташкилоти тарафдорлари билан “ФАСЕБООК” ижтимоий тармоғи ва “Телеграм” мессенжериде виртуал яқин алоқада бўлиб, улар билан ўзаро диний мазмундаги виртуал йиғинлар ўтказиб келганлигини аниқланган. Шундай бўлса-да, Е.Г. кўрсатмаларини бир неча маротаба ўзгартирганлиги ва жиноятни очишда фаол ёрдам берганлиги сабабли, жавобгарликка тортилган модданинг рағбатлантирувчи қисми кўлланилиб, унга нисбатан юритилган жиноят иши ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисми 8-бандига асосан тугатилган[50].

Ёки, 272651/2024-197вф-сонли жиноят иши ҳужжатларига кўра, "Тошкент тумани ИИБ тезкор ходимлари томонидан ўтказилган тадбирлар давомида аниқланишича, 1998-йилда туғилган, Х.Ш. “Телеграм” мессенджеридеги akkaунт яратиб, ушбу akkaунтдан фойдаланиб келиши даврида 46 та подписки, 43 та подписчики, 31 та публикация ва 100 дан ортиқ “История” (архив история) жойлаштирганлиги, ушбу “публикация”ларда турли хилдаги диний мазмунга ега бўлган фото ва видеофайллар мавжудлиги аниқланди ҳамда “Архив историй” бўлимига кирилганда “Абу Ҳанзала”, “Абдулла Костекский”, “Абу Умар Саситлинский”, “Рауф Саляф” ва бошқа нотаниш шахсларнинг радикал қарашларга ега бўлган диний мазмундаги маърузалари, видеофайллари борлиги, ёзишмалар бўлимида бошқа akkaунт егаси билан ёзишмалари кўздан кечирилганда Ш.Х. ўзининг akkaунтидан фойдаланиб нотаниш шахсларнинг “Они ждут даджала” ва бошқа диний мазмундаги видеофайлларни юборганлиги, бошқа akkaунт егаси билан ёзишмалари кўздан кечирилганда ҳам Ш.Х. ўзининг akkaунтидан фойдаланиб нотаниш шахсларнинг бир нечта маърузалари ва бошқа диний мазмунга ега бўлган видеофайлларни юбориб тарқатган.

Суд-адабиётшунослик экспертизасининг хулосасига кўра, Ш.Х. тарқатган аудио ва видео ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилганлиги кўрсатилган[51].

Хулоса. Юқоридагилардан маълум бўладики, биринчи ҳолатда тарқатиш мақсадида сақлаганлигини асословчи далиллар етарли бўлмаган, жиноят иши бўйича бир неча маротаба кўрсатмалар ўзгатирилган. Иккинчи ҳолатда айтилган мазмунда йўғрилган материалларни камида битта одамга тарқатганлиги етарли ҳисобланади ва қолган маълумотлар тарқатиш мақсадида сақлаганлигини асослайди.

Хулоса қилиб айтганда аксарият хорижий мамлакатларда таҳлил этилаётган жиноят турларидан “диний экстремизм” дея белгиланмаган бўлиб, умумий экстремизм учун жавобгарлик белгиланган. Диний экстремизм– экстремистик фаолиятнинг бир тури эканлиги боис, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида этник ёки сиёсий экстремизм сифатида алоҳида-алоҳида қайдлар амалиётчиларни чалғитиши мумкинлигини инobatга олган ҳолда, умумий нуқтаи назардан экстремистик фаолият сифатида ёки экстремистик ташкилотлар сифатида қайдларни қайта шакллантириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Международная конвенция о борьбе с бомбовым терроризмом Принята резолюцией 52/164 Генеральной Ассамблеи от 16 декабря 1997 года https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/bombing.shtml
2. Уголовный кодекс Франции. -СПб., 2002. - С. 369- 370.
3. Голованова Н.А. Уголовное право Англии: учеб. пособие для бакалавриата и магистратуры / М.: Издательство Юрайт, 2017. — 10 с. — Серия: Бакалавр и магистр. Модул
4. Никифоров Б. С., Решетников Ф.М. Современное американское уголовное право. М.,1990; Уголовное право буржуазных стран. Общая часть/ Под ред. А.Н. Игнатова и И.Д. Козочкина. М., 1990. С.325.
5. Материалы для пересмотра нашего уголовного законодательства. Том 1. Уголовные уложения Венгрии, Германии, Белгии и Франции и проект Общей части Итальянского уголовного уложения. Издание Министерства юстиции. Типография Правительствующего Сената, 1880. С. 200-210.
6. Уголовный кодекс Голландии / Науч. ред. Б.В. Волженкин, пер. с англ. И.В. Мироновой. 2-е изд.- СПб.: Издательство «Юридический центр Пресс», 2001.
7. Уголовный кодекс Тайланда. СПб. Юридический центр Пресс. 2005.
8. Уголовный кодекс Испании // <http://www.crimpravo.ru/page/zar-uk>. мурожаат санаси: 12.03.2022
9. Уголовный кодекс Швеции / Научные редакторы Н.Ф. Кузнецова и С.С. Беляев. Перевод С.С. Беляева. СПб.: Издательство «Юридический центр Пресс», 2001.

10. Уголовный Кодекс Туркменистана № 222-I от 12.06.1997 г.
11. Уголовный Кодекс Республики Армении от 29 апреля 2003 года №ЗР-528
12. Уголовный кодекс Украины. - СПб., 2001. - С. 257.
13. Уголовный Кодекс Республики Молдова. - СПб., 2003. - С. 332-333
14. Гулко А. Уголовно-правовая охрана общественного порядка в зарубежных странах // Мировой судья. 2007. № 10. С. 28–32.
15. Уголовный кодекс Российской Федерации от 13 июня 1996 г. N 63-ФЗ https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699/
16. Уголовный кодекс Республики Казахстан (с изменениями и дополнениями по состоянию на 03.09.2022 г.) <https://online.zakon.kz/>
17. Уголовный Кодекс Кыргызской Республики от 2 февраля 2017 года № 19. URL: <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/111527> мурожаат санаси 24.08.2022 йил
18. Уголовный Кодекс Республики Беларусь 275-3 от 9.07.1999 г.
19. Уголовный кодекс Республики Армения от 1 сентября 1998 года №ЗР-248
20. Уголовный кодекс Азербайджанской Республики (утвержден Законом Азербайджанской Республики от 30 декабря 1999 года № 787-IQ) (с изменениями и дополнениями по состоянию на 22.06.2022 г.)
21. Уголовный кодекс Российской Федерации от 13 июня 1996 г. N 63-ФЗ
22. Уголовный Кодекс Республики Беларусь 275-3 от 9.07.1999 г.
23. Уголовный кодекс Республики Казахстан (с изменениями и дополнениями по состоянию на 03.09.2022 г.) <https://online.zakon.kz/>
24. Уголовный кодекс Франции. -СПб., 2002. - С. 369- 370.
25. “Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш тўғ‘рисида”ги Шанхай конвенцияси. 2001 йил 15 июн. // <https://lex.uz/docs/2066680>
26. Моделный закон “О противодействии экстремизму”. Принят на тридцат втором пленарном заседании Межпарламентской Ассамблеи государств – участников СНГ (постановление № 32-9 от 14 мая 2009 года)
27. USAID Policy. The Development response to violent extremism and insurgency. Putting principles into practice. September 2011. –P. – 2. // https://2012-2017.usaid.gov/sites/default/files/documents/1870/VEI_Policy_Final.pdf
28. The Secretary of State for the Home Department of the UK. Counter-Extremism Strategy. October 2015. – P. – 10. // <https://assets.publishing.service.gov.uk/government/>

29. Public Safety Canada. Assessing the Risk of Violent Extremists. Research summary. Vol. 14 No.5. September 2009 // <https://www.publicsafety.gc.ca/cnt/rsrscs/pblctns/ssng-xtrms/index-en.aspx>
30. Parliament of Australia. Australian Government measures to counter violent extremism: a quick guide.
10 February 2015 // <https://www.aph.gov.au/>
31. Norwegian Ministry of Justice and Public Security. Action plan against Radicalisation and Violent Extremism. 2014 // <https://www.regjeringen.no/contentassets/>
32. Swedish Government communication. Sweden Action plan to safeguard democracy against violence - promoting extremism. Skr. 2011/12:44 // <https://www.academia.edu/>
33. Беджанова Т.Е. Противодействие экстремизму в Германии: законодательное регулирование и взаимодействие органов власти // Научно-образовательный журнал «Юридический вестник Дагестанского государственного университета» – Д., 2012. – № 4. – С. 45.
34. Арямов А.А., Пономаренко В.С. Уголовно-правовая защита чести и достоинства: новые горизонты?// Сборник научных трудов кафедры уголовного права. Вып. 4: М.: РАН, 2014. – С.240; Belsey В. Cyberbullying: An Emerging Threat to the «Always On» Generation // http://www.cyberbullying.ca/pdf/Cyberbullying_Article_by_Bill_Belsey.pdf (дата обращения: 20.10.2021).
35. Зинцова А. С. Влияние кибербуллинга на личност подростка [Электронный ресурс]. URL: <http://www.sworld.com.ua/konfer31/350.pdf> (дата обращения: 27.03.14).
36. Уголовный кодекс Российской Федерации от 13 июня 1996 г. N 63-ФЗ https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699/
37. Методические рекомендации о размещении на информационных стендах, официальных интернет-сайтах и других информационных ресурсах общеобразовательных организаций и органов, осуществляющих управление в сфере образования, информации о безопасном поведении и использовании сети Интернет: Ппсмо Минобрнауки от 14.05.2018 № 08-1184 // http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_298618/.
38. https://secretmag.ru/enciklopediya/chto-takoe-paket-yarovoi-obyasnyаем-prostymi-slovami.htm#%D0%A1%D0%BE%D0%B4%D0%B5%D1%80%D0%B6%D0%B0%D0%BD%D0%B8%D0%B5_%D0%BF%D0%B0%D0%BA%D0%B5%D1%82%D0%B0_%D0%AF%D1%80%D0%BE%D0%B2%D0%BE%D0%B9

39. Подписан Указ о внесении изменений в ряд правовых актов, касающихся противодействия терроризму <http://kremlin.ru/acts/news/75042> мурожаат санаси 21.02.2024 йил
40. Как работает "пакет Яровой" <https://tass.ru/ekonomika/5335719>
41. Матвеев О. Как вербуют людей, девушек и юношей в ИГИЛ, в России и за рубежом <http://психоаналитикматвеев.рф/obshhenie-i-kommunikacii/kak-verbuyut-lyudejj-devushek-i-yunoshejj-v-igil.>, 11.03.2019.
42. Европа Иттифоқи Европа парламенти // <https://www.europarl.europa.eu/portal/en>
43. Кибербуллинг. Или немного об интернет-травле (С. Авганов, Руководитель отдела по информационному обеспечению Алматинского областного суда)
44. Кибербуллинг. Или немного об интернет-травле (С. Авганов, Руководитель отдела по информационному обеспечению Алматинского областного суда)
45. Bullying Investigation // <https://www.private-investigator-info.org/bullying-investigation.html> <https://www.private-investigator-info.org/>
46. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // <https://lex.uz/docs/6445145>
47. Criminal investigation // britannica // <https://www.britannica.com/topic/criminal-investigation>
48. criminal investigation // <https://www.britannica.com/topic/arrest>
49. Louis C. Senese 5 tactics to get a suspect to look at you during an interrogation // <https://www.police1.com/investigations/articles/5-tactics-to-get-a-suspect-to-look-at-you-during-an-interrogation-VviV0pGSzW73Uyi0/>
50. Breadcrumb Home APP (authorised professional practice) Investigation Forensics Forensics // <https://www.college.police.uk/app/investigation/forensics>
51. Хизмат сафари натижалари Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 27.04.2023 йилдаги 15/07-2-62925/22-сонли маълумотномаси кириш рақами № 2530. 262622/2021-156NX-сонли жиноят иши
52. Хизмат сафари натижалари Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 27.04.2023 йилдаги 15/07-2-62925/22-сонли маълумотномаси кириш рақами № 2530. 10001-1/2021-38RH-сонли жиноят иши.